

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ**



**Абдумутал Закурлаев**

**ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА СУРИШТИРУВЧИ ВА  
ТЕРГОВЧИ ТОМОНИДАН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИГАН  
ЖИҲАТЛАР**

**Ўқув-услубий қўлланма**

**Тошкент  
«NAVRO‘Z»  
2015**

**УЎК 178.(10+2)3**  
**КБК 70.6(5Ўзб)2**  
**3-20**

**Ўзбекистон Республикасидаги вазирлигхузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика Суд экспертиза марказининг 2015 йил “28” апрель № “4”-сонли кенгаш қарорига кўра чоп этишга тавсия қилинган.**

**Тақризчилар:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлигининг 1-ўринбосари полковник **Бахтиёр Одилевич Жалолов.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг “Криминалистика” кафедраси бошлиғи ўринбосари ю.ф.н., доцент подполковник **Тўлқин Бойхўрозович Маматқулов.**

Тошкент давлат юридик университети “криминалистика” кафедраси мудирининг юридик фанлар номзоди, доцент **Истам Рустамович Астанов**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг суд автотехника экспертизаси лабораторияси етакчи эксперти **Зафар Хусанбоевич Сайфутдинов.**

**Закурлаев А.К.,**

Йўл транспорт ҳодисаларида суриштирувчи ва терговчи томонидан эътибор қаратиладиган жиҳатлар : Ўқув-услубий қўлланма. А.К.Закурлаев,– Т.: “Navro‘z”, 2015. –68б.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимидаги тергов, суриштирув идоралари, ИИВ Академиясининг Жиноят процесси ва Криминалистика кафедраси, Тошкент Давлат юридик университетининг талабаларни ўқитиш, амалиётда ҳамда илмий-амалий фаолиятда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Муаллиф тадқиқ этилаётган муаммони 2009 йил Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасида хизмат қилган чоғида чоп этган “Йўл транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда эътиборни қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар” деб номланган ўқув қўлланмани ҳозирги кунда янги манбаҳамда ҳуқуқий қоидалар билан тўлдириш зарурати туғилди ва қатор қонун, қонуности ҳужжатлари, янги изланишларнинг натижалари билан бойитилиб қайта нашрга тайёрланди.

Шу боис, ўқув-услубий қўлланма жойлардаги тергов ва суриштирув идоралари томонидан тергов олди суриштирув ҳамда қўзғатилган жиноят ишларини кўриб чиқишда ходим ва талабаларга амалиётда, илмий назарий фаолиятда ёрдам беради деб умид қилади.

**УЎК 178.(10+2)3**  
**КБК70.6(5Ўзб)2**

**ISBN 978-9943-381-89-6**

© **Закурлаев А.К.2015**  
© «Navro‘z»нашриёти, 2015

# **ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИГАН ЖИҲАТЛАР (умумий ва хусусий қоидалар)**

## **§1. Йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилишнинг асосий муаммолари**

Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисалари (кейинги ўринда ЙТХ) сабаблари ва муаммолари, содда қилиб айтганда, “одам-автомобиль-йўл” деган элементлар тизимидан келиб чиқиши ҳақидаги аниқ ҳуқуқий концепция мавжуд. Айнан шу элементлар “tizim”ни ҳаракатга келтиради ва ҳал этувчи тамойил ҳисобланади. Лекин, ЙТХ механизмини таҳлил қилар эканмиз, “tizim”нинг кенгрок шаклини, яъни этимологияни кўшган ҳолда “хайдовчи-автомобиль-йўл-пиёда” деган шаклини кўришимиз мумкин. Бу элементлар мажмуасининг турли оқибатлари ЙТХнинг тезлик динамикасини ташкил этади.

Йўл-транспорти ҳодисаларини ҳисобга олиш Қоидаларини мазмунига кўра (келгусида ҳисобга олиш Қоидалари), “йўл транспорт ҳодисалари” (ЙТХ) ибораси “транспорт воситасини йўлда ҳаракатланиши ва унинг иштирокида содир этилган, унда одамлар ўлган ва тан жароҳати олган, транспорт воситалари, юк, қурилмаларга шикаст етган ҳодиса” мазмуини билдиради.

Лекин, терговчи (суриштирувчи) ҳар қандай йўл-транспорт ҳодисаси ҳам жиноят бўлавермаслигини, фақатгина Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган аломатлари мавжуд бўлгандагина жиноят бўлишини ёдда тутиши лозим.

ЙТХнинг субъектив ва объектив сабаблари мавжуд бўлиб, ЙТХнинг субъектив омилларига: йўл ҳаракати қоидаларини (ЙХҚ) бузиш; ЙТХ содир этилган жойни йўл ҳаракатининг айбдор иштирокчиси томонидан ташлаб қочиб кетилганлиги билан биргаликда хайдовчи, йўловчи, пиёда, шунингдек бошқа йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан транспорт воситаларини ҳаракатланиш хавфсизлиги ва эксплуатация қилиш қоидаларини бузиш киради.

Кўчалар ва автомобиль йўлларини етарли режалаштиришда, қатнаш қисмининг сутканинг қоронғу вақтларида ёритишда, йўл

коплагаси-нинг ҳолатида, турли назорат воситаларида, шу жумладан йўл белгилари, автотранспорт воситаларининг турли ҳаракатларга бўлиш ва бошқа қисмларидаги камчиликлар объектив сабаблар ҳисобланади.

Омил ва шароитларни аниқлаш, уларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, таҳлил, ЙТХ механизмига таъсир даражасини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу ҳолатда энг муҳими, уларнинг содир этилган ҳодиса билан алоқаси ҳақиқий бўлиши лозим.

Терговчи (суриштирувчи) жиддий оқибатларга олиб келувчи жиноят натижаларни келтириб чиқарувчи ЙТХ сабабларини олдиндан кўра билиши зарур.

Агарда, йўл-транспорт ҳодисасини мураккаб таркибли ҳодиса деб кўрадиган бўлсак, унда ЙТХ нинг шароити ва сабабларини ҳайдовчи ва ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари, шунингдек транспорт воситасининг ҳолати ва йўл шароитлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишимиз лозим.

Йўл-транспорт ҳодисасини ҳисобга олишда махсус тузиладиган карточкада (Йўл ҳаракати билан боғлиқ воқеа натижасида тузиладиган кўздан кечириш баённомаси, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҚХБ томонидан тадбиқ этилган) транспорт воситасининг техникҳолатини, йўлнинг аҳволини, ҳаракатланиш бўлаётган жойлардаги йўл ҳаракатини назоратга олиш белгилари, об-ҳаво ва бошқа шароитларни, шунингдек Йўл ҳаракати Қоидаларини бузиш ҳолатларини ЙТХ сабаблари тариқасида кўрсатиб беради.

ЙТХнинг энг кенг тарқалган сабаблари транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракатларига тегишлидир. Бу ҳаракатлар - хавфли шароитларда тезликни ошириш, қарама-қарши ҳаракат йўналишига чиқиб кетиш, оралик масофага риоя этмаслик, мастликёки чарчоқликҳолатида транспорт воситаларини бошқариш ва ҳоказолар-дир.

Ҳайдовчиларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан: ҳайдовчининг жисмоний камчилиги, рулда ухлаш, қаттиқ чарчаш, ҳайдовчи тажрибасининг етарли эмаслиги ва яна айримлари ҳисобга киритилади.

Статистик маълумотларга кўра, ЙТХларининг рўй беришида 3% транспорт воситаларининг тормоз ва рул бошқарувининг носоз ҳолати, таъмирланмаган ёритқич чироқлар ва бошқа ёритиш ускуналари, шиналар протекторини ўзгартирилиши ва бошқалар

сабаб бўлса, 8%да эса йўл ҳолати (йўл шароитлари ва жиҳозлари) билан боғлиқ.

(Транспорт воситаларининг ҳолатига тегишли бўлган кўрсаткичлар орасида тормоз ва рул бошқарувининг носоз ҳолати, таъмирланмаган ёриткич чироқлар ва бошқа ёритиш ускуналари, шиналар протекторини ўзгартирилиши ва бошқалар йўл транспорт ҳодисасининг 3% да ўзларини кўрсатиб келадилар.

Йўл билан боғлиқ сабаб ва омилларга (йўл шароитлари ва жиҳозлари) келсак, улар статистикага кўра, (ҳақиқатда улар жуда кўп учрайди) келиб чиқиши ва конкретлаштирилиши бўйича жуда турли бўлиб, ҳодисаларнинг 8% да учрайди.)

Барча ЙТХ ларнинг энг асосий субъектив сабабларидан бири – бу йўл ҳаракати Қоидаларини бузилишидир. Терговчи (суриштирувчи) “йўл ҳаракати” тушунчаси автотранспорт ҳуқуқида кенг изоҳланишини яхши билиши зарур. Ҳайдовчилар томонидан йўлда ҳаракатланиш давомида ҳозирги вақтда урф бўлган уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳам йўл-транспорти ҳодисаларининг асосий қисмини ташкил қилиб бормоқда.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

(Йўл ҳаракати деганда, ўзига пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва ҳаракатлари аниқ бир қоидаларга бўйсунадиган турли транспорт воситаларини мужассам этган ижтимоий-техник тизимни тушуниш лозим.)

Кўрсатилган таъриф амалиётда ҳам муҳим мазмунга эга. Масалан, хавфли, портловчи-ёнувчи юклар ёки ўлчами аниқ бўлмаган юкларни ташиб ўтаётган ҳайдовчилар, Йўл ҳаракати Қоидаларидан ташқари, ташиб ўтиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хавфсизликни таъминловчи қўшимча йўриқнома ва қоидалар талабларига, масалан: ҳаракатланаётган транспорт воситалари оралиқнинг минимал масофаси, ҳаракатланиш тезлигининг максимал даражаси, йўлнинг қатнов қисмидаги транспорт воситаларини жойлашуви ва ҳоказоларга риоя этишлари лозим бўлади. Лекин, юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар йўл ҳаракати Қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари “йўл ҳаракати” деган иборанинг мазмуни унинг тушунчасидан кенгрокдир: ҳаракат нафақат йўлларда, балки бошқа жойларда: далада, қурилиш майдонида, автомашиналар тўхташ жойида, ишлаб

чиқариш ҳудудида ва темир йўл кесиб ўтиш жойларида ҳам бўлиши мумкин.

ЙТХ тез содир бўладиган ҳодиса сифатида характерланади, кўпгина ҳолларда субъектив ва объектив омилларнинг мажмуасида содир этилади.

**ЙТХнинг турли классификациялари мавжуд бўлиб, терговчи, суриштирувчи қуйидаги асосийларини билиш лозим, яъни:**



тўхтаб қолган (темир йўлда қолдирилган) транспорт воситаси билан тўқнашуви тушунилади.

**Тўқнашув** – ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг бир-бирига ёки ҳаракатдаги темир йўл таркибига урилишидир. Бу турга: кўққисдан тўхтаган транспорт воситаси билан (светофор, ҳаракатларнинг зичлиги ёки техник носозлик туфайли) тўқнашув ва темир йўл таркибининг



**Ағдарилиш** – бу ҳодисага транспорт воситаларининг бир-бири билан тўқнашуви, йўлнинг жиддий дефектига (чуқурлар, кудуқлар, йўлнинг нотекислиги) зовур, ариқ, жарликка тушишлари натижасидаги ағдарилиши тушунилади.

**Тўхтаб турган транспорт воситасига урилиш** – бу ҳодисага ҳаракатланаётган транспорт воситасининг тўхтаб турган транспорт воситасига, тиркама, ярим тиркамага (кўққисдан тўхтаб қолган транспорт воситасига келиб урилиш – тўқнашув дейилади) келиб урилиши тушунилади.



**Тўсиққа урилиш** – бу ҳодисага транспорт воситасининг ҳаракатсиз предметларга (кўприк тирговучлари, устунлар, дарахтлар, қурилиш материаллари, бетон бордюрлар, бинолар ва бошқалар) келиб урилиши тушунилади.

**Пиёдани уриш** – бу ҳодисага транспорт воситаси одамга урилиши ёки унинг ўзи ҳаракатланаётган транспорт воситасига келиб урилиши тушунилади. Бу турга, шунингдек, пиёдаларнинг транспорт воситасида ташиб кетилаётган оғир юклар ва

предметлардан (ғўлалар, тахталар, ғиштлар ва бошқалар) шикастланишлари ҳолати ҳам тушунилади.

**Велосипедчига урилиш** – транспорт воситаси велосипедда ҳаракатланаётган шахсни уриб юбориши ёки унинг ўзи транспорт воситасига келиб урилишидир.

**ГУЖ (от арава ёки эшак арава)ли транспорт воситасига урилиш** – транспорт воситасининг эгарланган ёки аравага қўшилган жониворларга, ҳайвонлар воситасида ташиб кетилаётган араваларга ёки уларнинг транспорт воситасига урилишидир.

**Ҳайвонларни уриб юбориш** – бу ҳодисада транспорт воситаси қушлар, ёввойи ёки уй ҳайвонларини (юк ортиладиган ва миниладиган) одамларнинг жабрланиши ёки моддий зарар етказилишига сабаб бўладиган ҳолда уриб юбориши ёки уларнинг ўзлари ҳаракатланаётган транспорт воситасига урилишлари.

Бошқа ҳодисалар – булар юқорида кўрсатилган ҳодисаларга тааллуқли бўлмаган ҳодисалардир: трамвайнинг ўз изларидан чиқиб кетиши (тўқнашув келтириб чиқармаган ҳолда) ташиб кетилаётган юкнинг ағдарилиши, транспорт воситасининг ғилдираклари томонидан одамга, ҳайвонга ёки бошқа транспорт воситасига улоқтирилган предметлар, транспорт воситасидан ажралиб, отилиб чиққан эҳтиёт қисмлари, ғилдираги;

ҳайдовчи тўқнашувни олдини олиш мақсадида ёки бевосита бошқа транспорт воситаси билан тўқнашиши оқибатида транспорт воситасининг бошқарувини йўқотиши ва уй ёки бошқа биноларга кириб кетиши;

ҳаракат иштирокчилари бўлмаган шахсларга урилиш; қўққисдан пайдо бўлган тўсиққа урилиш (тушиб қолган юк, ажраб кетган ғилдирак);



йўловчиларнинг ҳаракатланаётган транспорт воситасининг кўққисдан тезликка ёки йўналишга ўзгартириш киритиши оқибатида тушиб кетишлари ёки унинг салони ичида йиқилишлари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан амалга ошириладиган давлат статистика ҳисоботларига йўл транспорти ҳодисалари давомида ўлганлар ва яраланганлар бўлган барча ҳодисалар киритилади. Қолганлари эса регионал даражада, шунингдек алоҳида вазирликлар ва маъмуриятлар томонидан қайд қилинади.

Аммо, шуни назарда тутиш лозимки, Йўл ҳаракати Қоидалари ЙТХларни ҳисобга олиш ва қайд қилиш тартиби каби қўшимчалар билан тўлдирилади, шунинг учун уларни қўлланилишида охириги киритилган ўзгартиришлардан хабардор бўлишлари зарур.

ЙТХнинг содир бўлишига сабаб бўлувчи омилларга қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- ҳаракатнинг белгиланган тезлигини ошириш;
- транспорт воситаларини ҳаракатланишида хавфсиз оралик масофага, яъни кўққисдан транспорт воситаси тўхтаган вақтда олдинги транспорт воситаси билан тўқнашув бўлишини олдини олиш чорасидаги оралик масофага, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб берувчи ён томон оралик масофага риоя этмаслик. Амалиёт шуни кўрсатадики, агарда бир йўналишдаги транспорт воситаларини ҳаракат тезлиги соатига 60 кмга тенг бўлса, “хавфсиз” оралик тахминан 33 м. ташкил этади. Лекин, аралаш транспорт воситаларининг оқимида ва ҳаракатнинг мураккаб шароитларида (ёмғир, қор, яхмалак) зич ва тез ҳаракатлар оралик масофаси, бизнинг фикримизча, энг юқори тезлик билан баробар: яъни 25 км/с – 25 м., 60 км/с – 60 м ва шу каби бўлиши лозим. Катта шаҳарларда ҳайдовчилар одатда, хавфсиз оралик масофага риоя этишмайди, бу ҳолатлар эса ЙТХга олиб келади;

- кўриш масофаси чегараланганида, айниқса юқорига кўтарилиш, пастликка тушиш, тоннелларда ҳаракатланиш шунингдек назорат қилинмайдиган чорраҳаларда (иккинчи даражали йўлнинг асосий йўлга туташган жойларида), иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчи қайрилишда етарли кўриниш зонаси бўлмаганида ва у қувиб ўтадиган автомашинани кўриш имконияти бўлмаганида, транспорт воситасини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш;

- қарама-қарши йўналишга чиқиш;



- мастлик ёки чарчоқликҳолатида автотранспорт воситасини бошқариш;
- йўналишда жойлашиш, бурилиш ва ортга қайтиш қоидаларини бузиш;
- ўтиш навбатига риоя этмаслик;
- бошқа ностандарт сабаблар (қўққисдан тормоз бериш, жойлашиш, бурилиш ва ортга қайтиш каби манёврларнинг *ёруғлик* кўрсатмаларига амал қилмаслик), тақиқловчи белгиларга эътибор бермаслик ва бошқалар киради.

### **ЙТХда Терговчининг вазифалари**

ЙТХларни суриштирув ва тергов қилишда йўл транспорт ҳодисаларининг мураккаблигини ёдда тутиш лозим. Яъни, оддийга ўхшаб кўринган (тўқнашув, урилиш, пиёданни уриб юбориш) ҳар бир ЙТХси тавсифига ва ҳақиқий ҳолатлар, сабабларнинг комплекси, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва унинг оқибатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг мужассамлигига кўра, ўзига хос автоҳодиса ҳисобланади.

Бирон-бир (объектив ва субъектив) омилни, шунингдек ЙТХнинг механизмини билиш, уларни тергов қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан: -ҳайдовчининг аниқ ва равшан тезликни оширганлиги:

- йўл белгилари билан чегараланган ҳаракатланиш тезлигини қасддан ёки қўпол равишда ошириши (тегишли йўл белгиларини назарга илмаслик);

- ҳайдовчини мастлик ҳолатида бўлиши билан ифодаланади.

ЙТХлар объектив омиллар билан шартланган бўлиши мумкин: рул бошқаруви ёки тормоз тизими қўққисдан ишдан чиқиши, пиёда мастлик ҳолатида беҳосдан йўлнинг қатнов қисмигачиқиб қолиши ва бошқалар.

Бундай ҳолатда, терговчи, ЙТХнинг ўзига, унинг оқибатларига олиб келган сабаб, омил ва шароитларини, уларнинг вужудга келиш кетма-кетлиги, транспорт воситасини техник ҳолатлари, ҳайдовчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ҳуқуқий баҳо бериши лозим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/951> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/951> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/951>